

ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УНИ ЎТКАЗИШДА ХАТОЛАР

Абдувосид

Аннотация: Мақолада хатшунослик экспертизаси, хатшунослик экспертиказисини ўтказишида хатолар, экспертиза обектълари уларнинг намуналарини олиш ва мавжуд базаларни янада ривожлантириш юзасидан фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: хатшунослик, экспертиза, имзо, экспертиза учун намуналар олиш, намуна, айнанлик, ўхшашлик.

Аннотация: В статье написано о заочной экспертизе, написано о взятии образцов на экспертизу. Также состоялся обмен мнениями по развитию выборки для экспертизы.

Ключевые слова: экзамен, подпись, образец, точность, гомология. образцы для исследования.

Annotation: the article is written about correspondence expertis. The signature was studied as a correspondence examination. An opinion was also expressed about taking samples for expertise and creating databases.

Key words: homology/the examination /signature /sample /exactness /similarity

Хатшунослик экспертизаси ва уни ўтказишида хатолар

Хозирда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ экспертизаларни ўтказиш мумкин. Бу экспертизалар тадқиқот обьектларига қараб уларни ўтказиш усуллари ва манбалар (базалар) жихатидан бир-биридан фарқланади. Ҳар бир экспертиза муайян бир масалага аниқлик киритиб фактларни аниқлайди. Албатта, бунда тадқиқот обьектининг тадқиқот учун яроқли эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. Амалиётда қўпгина ҳолатларда хатшунослик экспертизасида намуналар жараёнида бевосита экспетрлар иштирок этмаслиги ва ўша вақтда шахсларнинг руҳий ҳолати ва бошқа обектив ва субектив ҳолатлар тўсқинлик қилиши натижасида эркин ёзилган хатлардан у тадқиқот учун яроқли бўлса. Экспертиза турлари ичida хатшунослик экспертизаси мураккаб ва кўп қиррали эканлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда техника-технология ривожланиб, электрон рақамли имзолар киритилганидан сўнг эса, тадқиқот обьектлари ва уларни текшириш усуллари ҳам ривожланди. Жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича одил судловда суд-хатшунослик экспертизасининг энг кўп тарқалган тадқиқот обьектларидан бири – бу имзо ҳисобланади. Имзо билан боғлиқ тадқиқотларнинг мураккаблиги, ушбу ёзув материали бўйича

фойдали ахборотларнинг камлиги ва белгиларининг ифодаланиши даражаси пстлиги билан ифодаланадиган ўзига хослигига боғлиқдир. Ёзиш жараёнига турли бузувчи омилларнинг таъсири, тахмин қиинаётган ижрочилар ёзувларининг бир-бирига ўхшашлиги, имзоларни бажаришда турли техник воситалардан фойдаланиш имкониятлари бу борадаги диагностик ёки идентификацион вазифаларни хал этишни қийинлаштиради. Натижада эса, етарлича асосланмаган ёки хато хулосалар чиқарилади, шунингдек, “саволга жавоб беришнинг имкони йўқ” шаклидаги хулосалар берилади. Эксперт-криминалистик фаолиятдаги, жумладан криминалистик экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жараёнидаги хатолар тўғрисида гап борганда куйидаги таърифни эслатиб ўтиш мумкин: «эксперт хатолари – бу асл воқеликка, ҳақиқатга тўғри келмайдиган якуний (асосий ва оралиқ) хулосалар, шунингдек, экспертиза тадқиқотларини акс эттирувчи ҳаракатлар ва мулоҳазалар, тасаввурлар, нотўғри тушунчаларидир»¹⁸

Юкоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, фикримизча, криминалистик экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги эксперт хатолари умумий тарзда экспертнинг объектив воқеликка мос келмайдиган ёки нотўғри, экспертиза тадқиқотлари мақсадига эришишга олиб келмайдиган фикрлаши ёки ҳаракати (агар унинг фикрлаши ёки нотўғри ҳаракатлари беихтиёр адашиш натижаси бўлса) деб ҳисоблаш мумкин.,

Айнан ана шу “беихтиёр адашиш” тушунчаси жиноятчиликка қарши курашдаги хатоларни турли ҳуқуқбузарликлар, мансабни суистеъмол қилиш ва ҳатто, жиноятлардан фарқлайди. Атайлаб ёки билиб туриб қилинган ҳар қандай нотўғри ҳатти-ҳаракат хато ҳисобланмайди.

Криминалист олимлар томонидан терговчиларнинг хатоларига катта эътибор берилган ва шунинг учун ҳам айнан терговчиларнинг хатолари ўз вақтида турли криминалистлар томонидан таснифланган. Криминалистикага оид маҳсус адабиётда экспертиза жараёнидаги хатоларга катта эътибор берилган ва улар техник, тактик ва қабул қилишдаги хатоларга ажратилган¹⁹. Бизнинг фикримизча, экспертилар фаолиятидаги хатоларни процессуал хатолар, мантиқий (гносеологик) ва фактиқ ҳамда фаолиятга доир (операцион) хатоларга ажратиш мумкин.

“Умумий асосларга кўра, – деб ҳисблайди С.А.Шейфер, – “хатолар тергов фаолиятидаги, эксперт фаолиятидаги ва судлар фаолиятидаги хатоларга ажратилади”²⁰. Дарҳақиқат, бошқа барча таснифлаш асослари

¹⁸ Қаранг: Грановский Г.Л. Природа, причины экспертных ошибок и пути их устранения. – М., 1983. – С.2.

¹⁹ Қаранг: Макушкина Г.Е., Вермел И.Г., Кочнева Л.В. Понятия, причины и профилактика экспертных ошибок. – Свердловск, 1997. – С.337.

²⁰ Қаранг: Шейфер С.А. Следственные ошибки и их причины. – Киев, 1998. – С.121.

махсус ва хусусий табиатга әгадир. Агар хатоларнинг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, уларни фикрлашдаги хатоларга ва ҳаракатларни бажаришдаги хатоларга ажратиш мумкин. Фикрлашдаги хатолар (Р.С.Белқин бундай хатоларни гносеологик хатолар деб атайди) мантиқий ва фактик хатоларга бўлинади²¹.

Мантиқий (гносеологик) хатолар – бу мантиқий усувлар ва операцияларни нотўғри қўллаш, шунингдек мантиқий қонун – қоидалар бўйича фикрлашнинг бузилишлари билан боғлиқ хатолар.

Фактиқ хатолар – бу объектив борлиқдаги мавжуд нарсалар ўртасидаги боғлиқликни бузилган ҳолда тасвур қилиш. Экспертиза фаолиятида бундай хатоларга экспертиза олдига қўйилган вазифаларга нисбатан «нейтрал» бўлган белгилардан экспертиза хulosасини асослаш мақсадида асосланмаган тарзда фойдаланиш киради. Масалан, бармоқ изларини қолдирган шахсни аниқлаш учун асос бўладиган белгилар мажмуига ушбу бармоқ изларини қолдирган шахсни характеристлайдиган белгилар ҳам қўшиб юборилади.

Ҳаракатларни бажаришдаги (операцион) хатолар – ушбу ҳаракат субъектининг экспертиза тадқиқотларида бажарадиган иш-фаолияти жараёнидаги хатолар. Бу хатолар ушбу ҳаракатларни бажариш методикасидан четлашиш, ўрнатилган қоидалар ёки уларнинг тартибини бузиш, ушбу фаолият ёки ҳаракат учун мўлжаланган воситалардан нотўғри фойдаланиш ва шу кабиларда намоён бўлади. Хатшунослик экспертизалири жараёнида эксперт хатоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш муаммолари деярли ишлаб чиқилмаган. Шу боис, хатшунослик экспертизаларни ўтказишида эксперталар бир мунча хатоларга йўл қўядилар. Бу ҳолат тадқиқотлар объектларининг муракқаблигига боғлиқ, жумладан дастхатнинг шаклланиши жуда кўплаб омилларга, яъни матнни ёзаётган шахснинг руҳий-физиологик ҳолати, ёзувга ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек шахс ички ва ташқи табиатининг турли эпизодик шароитларига боғлиқ бўлади. Хатшунослик экспертизалирини ўтказишида хилма-хил вазифалар бажарилади. Масалан, атайлабдан ўзгартирилган дастхат (ёзув)ларнинг, жуда қисқа имзо ва ёзувларнинг, ғайритабиий шароитларда бажарилган ёзувларнинг, катта ёшли шахсларнинг номидан бажарилган ёзувларнинг ва ўхшаш ёзувлар билан бажарилган дастхатларнинг тадқиқотларида ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Хатшунослик экспертизаси экспертнинг фикрлаш фаолиятига қўп жиҳатдан боғлиқ. Қўйилган вазифаларни бажариш (экспертнинг билиш) жараёни – экспертнинг ўқиши даврида шаклланган турли интеллектуал

²¹ Қаранг: Белқин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. – М., 2001. – С.172.

операциялардан ҳамда хатшунослик экспертизаси учун зарур бўлган хусусий ва универсал (иш-фаолияти натижасида шаклланган) тажрибаларидан иборат бўлади. Маълумки, экспертиза вазифаларини бажариш тартиби ва қоидлари қатъий равишда алгоритмлаштирилган, яъни муайян кетма-кетлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган тадқиқотларнинг микдорий (моделли) методлари экспертиза тадқиқотларининг алоҳида босқичларинигина объективлаштиради. Шунинг учун экспертиза вазифаларини бажариш мақсадида ушбу методлардан фойдаланилганда ҳам бу вазифаларнинг бажарилиши тадқиқот натижаларини сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлиллари асосида, экспертнинг маҳсус билимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Вазифаларнинг тўғри бажарилиши экспертларнинг малакаси, касбий тайёргарлиги, интеллектуал даражаси, билим ва кўникмаларининг шаклланганлиги, шахсининг ўзига хос хусусиятларига боғлик. Хатшунослик экспертизаси методикасига асосан, тадқиқотларнинг ҳар бир босқичи оралиқ хulosса (синтез)ни шакллантириш билан якунланади, якуний хulosалар эса илгари олинган натижаларнинг баҳоланишига асосланади. Шундай қилиб, оралиқ хulosалар экспертиза вазифаларининг бажарилишига имкон берадиган мантиқий қаторни ҳосил қиласди. Ушбу қатордаги узилишлар, оралиқ хulosаларнинг ўзаро мос келмаслиги (агар улар мавжуд бўлса) экспертнинг хато хulosса чиқаришига олиб келиши мумкин.

Экспертиза амалиётининг таҳлили хатшунослик экспертизаларини ўтказиш жараёнида йўл қўйиладиган хатоларни аниқлаш ҳамда таснифлаш имконини беради. Ушбу хатолар қулайлик мақсадида маҳсус жадвалга жойлаштирилган (5-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўринадики, хатшунослик экспертизаларида ҳаракатдаги (операцион) ёки мантиқий (гносеологик) хатолар учраб туради. Операцион хатолар экспертизанинг барча тадқиқот босқичида мавжуд, чунки улар экспертнинг экспертиза хulosаларини тузишдаги барча ҳаракат босқичларининг кетма-кетлигига узвий боғлик. Бу каби хатолар ёш, ҳали амалий тажрибаси катта бўлмаган ходимлар фаолиятида учрайди.

Мантиқий (гносеологик) хатолар экспертнинг ўз вазифаларини бажариши жараёни билан боғлик бўлиб, жуда кўплаб омиллар – экспертнинг тайёргарлик даражаси, тажрибаси, хатшунослик экспертизасининг айрим ҳолатларининг илмий асосланганлиги, ва ниҳаят, экспертнинг интеллектуал қобилиятларига боғлик равишда вужудга келиши мумкин.

Экспертнинг йўл қўйган хатоларини экспертиза хulosаси тегишли органга юборилишидан олдин аниқлаш экспертиза хulosаларини ваколатли шахслар, биринчи навбатда, экспертиза муассаси раҳбари томонидан текширилиши билан амалга оширилиши мумкин. Ундан ташқари, турли хатоларга йўл қўймаслик мақсадида ҳар эксперт-ходим ўзини ўзи назорат қилиши лозим. Экспертиза хulosаларини текшириш ва назорат қилишда якуний хulosаларни тадқиқот босқичларига тегишли оралиқ хulosалар билан ўзаро солиштириш лозим. Масалан, эксперт хulosасида ғайритабиий ёзувлар бўйича салбий хulosа аниқланган фарқларнинг ғайритабиий шароитларга боғлиқ эмаслиги кўрсатилмасдан берилган бўлса, ушбу хужжатни текширувчи раҳбар, тадқиқот жараёнида аниқланган хусусий белгилар умумий белгиларнинг ўзгаришларига боғлиқ эмаслигини аниқлаши лозим, ундан ташқари, тадқиқот жараёнида аниқланган ўхшаш белгиларнинг хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Эксперт ва экспертиза муассасаси раҳбарининг тузилган экспертиза хulosаси бўйича фикрлари кескин фарқ қилганида ўтказилган тадқиқот босқичларининг ҳар бири ваколатли мутахассислар иштирокида мухокама қилиниши керак. Чунки, тадқиқотларни ўтказган эксперт томонидан йўл қўйилган хатоларни аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Хатшунослик экспертизалари жараёнида йўл қўйиладиган хатоларнинг сабаблари қуидагилар бўлиши мумкин:

- бир қатор мураккаб вазифаларни бажариш учун зарур методиканинг йўқлиги;
- айрим тушунчаларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги ва хато қилишга имкон яратадиган омиллар гурухларининг ўрганилмаганлиги (диагностика қилинмаганлиги);
- ахборотли тизимларнинг мавжуд эмаслиги ва ҳоказолар.

Хатшунослик экспертизаларини ўтказишда йўл қўйиладиган хатоларнинг субъектив омиллари сирасига экспертнинг эътиборсизилиги, белгиларни юзаки аниқлаш ва ҳар томонлама таҳлил қилмаслик, шунингдек хатшунослик экспертизасининг умумий методикаси ҳамда аниқ хусусий методларни яхши ўзлаштираслик кабилар киради. Эксперт-хатшуносларнинг амалий фаолиятини таҳлил қилиш натижаларидан келиб чиқиб, экспертларнинг белгиланган вазифаларни самарали бажаришлари учун уларнинг интеллектуал даражаси, шунингдек кузатувчанлик, тартиблилик, виждонийлик каби шахсий хислатлари ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз. Эксперт ўзи бажараётган ишга масъулият билан ёндашиши зарур.

Хатшунослик экспертизалари жараёнида учраб турадиган хатоларнинг олдини олишда эксперт меҳнатини тўғри ташкил этиш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Чунки ҳаддан ортиқ зўриқиши экспертини ўзи устида ишлашига халақит беради.

Хатшунослик экспертизалари амалиётини такомиллаштириш мақсадида хатшунослик экспертизаси назариясини янада такомиллаштириш, янги сифат ва миқдорга оид методларни ишлаб чиқиш бирламчи вазифалардан ҳисобланади. Келажакда хатшунослик экспертизалари тадқиқотлари компьютер технологиялари асосидаги дастурларни жорий қилиш ҳам хатшунос-экспертлар томонидан хатоларга йўл кўймасликка хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Грановский Г.Л. Природа, причины экспертных ошибок и пути их устранения. М., 1983. – С.2
2. Клименко Н.И. Экспертные ошибки и их причины. – Киев, 1988. – С.38.
3. Макушкина Г.Е., Вермел И.Г., Кочнева Л.В. Понятия, причины и профилактика экспертных ошибок. – Свердловск, 1997. – С.337.
4. Шейфер С.А. Следственные ошибки и их причины. – Киев, 1998. – С.121.
5. Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. – М., 2001. – С.172.
6. Кошманов М.П., Кошманов П.М. Идентификационные признаки буквенного, цифрового и подписного почерка: Учебное пособие. – Волгоград, 2006.